

「ひと・もの・知の往来—国際比較日本文化研究の可能性を探る—」
シルクロード国際研究フォーラム

報告書

**“COMPARATIVE STUDY OF JAPAN AND UZBEKISTAN CULTURES:
INTELLECTUAL AND MATERIAL WEALTH FINDING
OPPORTUNITIES”
SILK ROAD INTERNATIONAL RESEARCH FORUM**

CONFERENCE MATERIALS

**“ЯПОНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ:
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МОДИЙ БОЙЛИКЛАРИНИ ИЗЛАБ ТОПИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ”**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

主催：筑波大学・タシケント国立東洋学大学

Organizer: Tashkent State Institute of Oriental Studies – Tsukuba University

Халқаро илмий анжуман ташкилотчилари: Тошкент давлат шарқшунослик институти
– Цукуба университети

後援：国際交流基金助成

Support organization: Japan Foundation

Ҳамкор ташкилот: Япония Халқаро Ҳамкорлик Фонди

2014年11月14–15日

November 14-15, 2014

2014 йил 14-15 ноябрь

タシケント国立東洋学大学

TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

<i>ТошДШИ, ф.ф.д., профессор З. Н. Худайбергенова</i> ЯПОН ТИЛИ МАНЗАРАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	82
<i>ТГПУ им.Низами, д.ф.н., профессор Э. М. Иззетова</i> ФИЛОСОФСКО-ГЕРМЕНЕВТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ОСОБЕННОСТЕЙ КУЛЬТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ ЯПОНИИ.....	88
<i>A. Sharapov, Tashkent State Institute of Oriental Studies</i> PECULIARITIES OF CULTURAL INFLUENCE OF JAPAN.....	93
<i>ТашГУВ, к.п.н., доц., А.А.Шаюсупова</i> ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЯПОНСКОГО ХАРАКТЕРА.....	96
<i>ТашГУВ, Старший преподаватель, С. Р. Камалова</i> ТРАДИЦИИ И СОЦИАЛИЗАЦИЯ В ЯПОНСКОЙ КУЛЬТУРЕ.....	100
<i>ТашГУВ, Старший преподаватель, С.Р. Камалова, студентка 2 курса, У. Толибова</i> ФАКТОРЫ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ ЯПОНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ.....	103
<i>ToshDSHI, Yapon filologiyasi kafedrası 4 kurs talabasi, T. Jamolhoji</i> YAPONYALIK TARIXCHI OLIMLARINING O'ZBEKISTON TARIXINI O'RGANISH BO'YICHA IZLANISHLARI.....	107
【テキストの旅】	
<i>ТашГУВ, ф.ф.д., Р. Иномхожаев</i> АФГАНСКИЙ ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЖАНР «ЛАНДЫЙ» И ЯПОНСКИЙ «ХАЙКУ».....	112
平石 典子 (博士 (学術) 筑波大学人文社会系 准教授) シルクロードからスエズ航路へ—沙漠表象と想像力—.....	118
<i>Тошкент ислом университети, ф. ф. д., профессор З. М. Исломов</i> ЎЗБЕК ВА ЯПОН ОЛИМЛАРИНИНГ МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДҚИҚОТИ.....	128
<i>ТошДШИ, ф.ф.н., доц., С. Р. Сотиболдиева</i> АКУТАВАГА РЮНОСКЭНИНГ “ДЎЗАХ АЗОБЛАРИ” ҲИКОЯСИДА МАЙМУН ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ.....	131
<i>СамДЧГИ, ўқитувчи К. М. Амануллаева</i> ЯПОН АДАБИЁТИ ВА АЁЛ КАМОЛОТИ.....	134
ハルミルザエヴァ・サイダ (法政大学) 『アルポミシュ』の起源に関する新仮説.....	138
【日本語学・日本語教育】	
近藤 正憲 (ウズベキスタン日本人材開発センター 国際交流基金日本語教育上級専門家) ウズベキスタンの日本語教育の現状.....	148

JAPANESE LITERATURE AND SOPHISTICATION OF A WOMAN

K. M. Amanullaeva
Samarkand State Foreign Languages Institute

ЯПОН АДАБИЁТИ ВА АЁЛ КАМОЛОТИ

К. М. Амануллоева
СамДҶТИ ўқитувчиси

Abstract

This article is written about Japanese letters, traditions, history, culture which is expressed in Japanese literature. How women are struggle for its people to maintain rigid traditional Japanese values and traditions while still attempting to modernize and move forward. Such as "The Tale of Genji" is a classic work of Japanese literature written by the nobelwoman and lady In waiting Murasaki Shikibu in the early years of the 11th century, around the peak of Heian Period. We can see the concepts toward "love", "family", "marriage", "countryland" of women during her period. During the Nara Era, The novel still considered a classic of Japanese Literature. "A Certain Woman" is also best known work written by Takeo Arishima, which is written in Meiji period. "A Certain Woman" a moral and psychological melodrama about a strong-willed woman struggling against a hypocritical male-dominated society.

Хар бир халқнинг адабиёти халқнинг ўзидан ва ана шу халқ яратган тарихдан айро яшай олмайди. Япон адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у ўз яратувчиси, яъни ўз халқи билан узвий боғлиқдир. Япон адабиёти япон маданиятида ўрин эгаллаган барча ҳодисаларни ўзида мужассам этади. Япон жамияти ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш адабиётда ҳам ўз аксини топган.

Японлар илмий маданиятида, ўз салоҳиятини оширишда ҳамжихатликни ўзида асос эттирган ташқи ахборотнинг катта оқими кириб келган манбалар бир талай. Аммо японларда "тескари боғлиқлик қонуни" деган ибора бор, бу ўзини ва ўзгани чатиштириш ўқувини англатади. Шу билан японлар хитойчадан кўп нарсани ўзлаштириб олар экан, "вақон кансаи" қондасини жорий қилганлар бу – "хитойча ҳикмат-японча қалб" деган маънони англатади. Японлар миллатни бойитишга имкон берган ҳамма нарсани олган, ўша тарихий даврда миллий ёзуви ва эстетика асосида бетакрор адабиётни яратганлар. Миллий ўзига хослигини йўқотган ҳар қандай маданият яшашдан тўхташни англаб етган, зеро бундай маданиятнинг жамиятга кераги бўлмайди. Бу давр адабий анъаналари икки асосий ғоя: ўзининг ва ўзганининг ғоялари умумлашувидан юзага келади. Шу тариқа аста секин япон заминиде маданият, маърифат юксала бошлаган мустақам адабий муҳит пайдо бўла бошлади.

Япон заминиде фан, илмий салоҳият, маданиятни бу қадар тез ёйилиши япон руҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган ва япон миллати ўзининг туб адабиётига эга бўлишига қарамай адабий муҳит қундалиқ ҳаётга сингиб кетди. Япон ёзма адабиёти тикланишида олдин бадний сўз узок муддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди, бу ҳам сўзсиз миллий манбааларга таянар эди. Шубҳасиз, ёзув пайдо бўлгунча мавжуд бўлган япон адабиётини халқ (огзаки) адабиёти деб аташ мумкин, чунки оддий одамлар яратган бу адабиётда уларнинг ҳаёти, меҳнати, урф одатлари, кизикликлари ифодаланган эди.

Ўрта аср адабиёти ривожланишида Хэйан даврида (794-1192 й.) яратилган асарлар муҳим ўрин тутди. Ушбу давр кейинчалик маданият, адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшнаган палласи деб баҳоланган эди. Хэйан даврини шеърят, кюсса, кундалиқлар, шеърин битикларни ўз ичига олган миллий адабий жанрларининг шаклланиш ва ривожланиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Мана шу тарихий даврда шеър ёзиш японлар ҳаётининг узвий қисми бўлган эди. X аср иккинчи ярмидан сўнг япон адабиётида нарсининг "эркак" ва "аёл" қисмларига ажралниши рўй берди. Эркаклар, одатда, хитойчада, аёллар эса япон тилида ёзар эдилар.

Мурасаки Сикибу ("Гэндзи хакида кисса"), Сэй Сёнагон ("Ёстик ёнидаги кайдлар"), Наоми Суэнага "Юз йенали кушикчи ёки жаннатдаги фаришта" каби япон аёл адибаларининг асарлари шу кунларда ҳам жаҳоний ахамиятини йўқотмаган дурдоналар бўлиб қолмоқда.

Хэйан даври адабиёти юксак бадийлиги, нозик услуби билан ажралиб туради. Ўша давр санъатида "мононо аварэ" қобилиятини, яъни нарсаларнинг пинҳоний фусунини, атроф оламнинг ноёблиги ва гўзаллигини идрок эта билиш таълимотини юкори баҳолашгани бежиз эмас. Мазкур тушунчалар япон санъати ва адабиёти учун пойдевор бўлиб қолди. Аммо нарсалар гўзаллиги япон адабиётида унинг ҳақиқатига, яъни "макото"га тенг қўйилади. Демак, ўрта аср япон адабиётида гўзаллик ва ҳақиқат бир-бирига бақамти тушунчалар бўлган. Ёзувчилар "макото" ҳақиқат талабларига асосланиб, ҳаяжонга – "аварэ"га тушишлари керак эди. Эстетик асосларнинг бундай узлуксизлиги айни Хэйан даврида юзага келган, аммо асарлар қаърига сингиб кетмаган эди, аксинча у ҳозирги кунда ҳам яшаб келмоқда.

Ўрта асрларда Японияда бадий асар бир тизимга солинган шеърини шакл (вазн)даги ёлқоқий-эстетик, рухий-маънавий қонуниятлар мажмуини ўз ичига олар эди. Бадий адабиётнинг барча жанрларида асосий эътибор баённинг ҳиссиётга бойлиги, эстетик ахамияти, маънавий жиҳатига қаратилар эди. Ҳодисаларнинг ҳақиқийлиги ва ушбу воқеликнинг ҳиссий адрок этилиши бадий асарнинг ўзига хос мустаҳкам негизларидан бири ҳисобланарди. Айнан шу асосда миллий анъаналар ва "маиший тутумлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган Аёл кундалиги адабиёти шаклланди. Аёл кундалиги адабиёти – Япония сарой киборлари киданиятининг йўналишларидан бири бўлиб, унинг моҳиятини тўла англаб етиш учун Хэйан асарлар аёлининг рухий дунёсига чуқур кириб бориш, киборлар маданий ҳаётининг бутун гўзаллигини англаб етиш зарур, зеро айнан шу нарса, аёлларнинг адабиётдаги ўрнининг ижодга келиши ва тараккий этиши учун замин ҳозирлади. Хэйан даврида "Мурасаки Сикибу кундалиги"(Мурасаки Сикибу), "Никки хасрати"(Ки-но Цураюки), "Ўткинчи ҳаёт кундалиги" (Митицуна-но) сингари машҳур асарлар дунёга келди. Ўрта аср Аёли кундалиги адабиётнинг барча асарлари муайян тарихий даврда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрларини ўқодалайди.

Мурасаки Сикибу X аср охирилари – XI аср бошлари да яшаб ижод этган теран фикрга эга тармаҳсул ижодкор. Адибанинг ҳақиқий исми номаълум. Мурасаки – адибанинг таҳаллуси, Сикибу унинг эрининг саройдаги унвони, бу лавозимий унвон атамаси кўпинча шахс исмига бўлиб айтилган. Мурасакининг таржиман холи баён этилган кўплаб биографик ёзувлар битиб қолдирилган бўлишига карамай, унинг бевосита ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар деярли йўқ. Тадқиқотчилар бу муаллифнинг таржиман холини ёритишга асосан адиба кизамига мансуб – "Кундалик"ларига ва унинг шеърини асарлари сақланиб қолган "Мурасаки Сикибу-сю" баёзига суянадилар. Адибанинг энг машҳур ва асосий асари "Гэндзи-моногатари" романидаги муҳим гоёвий-эстетик, рухий вазиятларни таҳлил ва тадқиқ қилишда юкорида тилга олинган асарларнинг, айниқса, "Кундалик"ларининг ахамияти жуда ёқоёсдир. Адиба Япония тарихида, сиёсатида, давлатчиликнинг ташкил бўлишида жуда муҳим ўрин тутган аслзода Фудзиваралар сулоласига мансуб аёлдир. Унинг отаси фаолияти бошларида Этиго музофотининг ҳокими бўлиб хизмат қилади. У ҳоким бўлишига карамай, адабиёт ва фалсафа фанларига жуда кизиққан, ҳатто хитой тилини мукамал ўрганган, хитой адабиётида шеърлар ҳам ижод қилган.

Мурасакининг таржиман холи ҳақида ёзган биографларнинг таъкидлашларича, кизалок адабиёт, илм-фан муҳитида, санъат муҳабблари доирасида камолга етган.

Бунда қарийб 900 йиллар муқаддам – XII асрда яшаган дастлабки япон адабиётшунослик соҳаси "Мумёдзоси" ("Номаълум битиглар") асарида шундай ёзувлар бор: "Одамлар битик тўқийдилар, шеър яратадилар, уларни ёзиб бўлгач, остиларига ўз номларини қистириб қўйдилар. Шундай қилиб юз йил, минг йил ўтади, ушбу битикларни бошка бир одамлар қўйдилар ва ўзларини, гўё ўша ижодкорнинг ўзи билан ҳис этадилар. Дарҳақиқат, мана шунинг учун гоёят мутаасирона бир ҳолатдир!.." Бу фикрни бундан ропа-роса минг йил муқаддам ёзилган "Гэндзи-моногатари" асари ҳақида ҳам айтиш мумкин. "Моногатари" – японча "кисса", нима ҳақидадир гапирмок" деган маънони англатади.

"Гэндзи-моногатари" романи – япон мумтоз адабиётининг энг йирик, мухташам асарларидан бири. Унинг дунёга келиши X-XI асрдаги Хэйан маданиятидаги энг юксак ижодларидан ҳисобланади. Асар ўша замонлардаёқ сарой аъёнлари орасида, кейинроқ эса

оддий халк орасида хам кўп ўқилган, кўп кўчирилган, хар бир онла ўз уйида бу асардан бир нусха блиши учун харакат қилган. Роман воқеалари 70 йиллик даврни камраб олади. Асар марказида императорнинг фарзанди – шахзода Гэндзининг хаёти, ишқий саргузаштлари ўрна олади. Туғилган пайтиданок ўзининг гўзал чехраси ва бошка ажойиб хислатлари ила кўни қувонтирган Гэндзи хамманинг ардоғида эди. Асар муаллифи Мурасаки Сикибу хоним бевосита саройда император рафикасига хизмат қилувчи ходима бўлганлиги сабабли сарой шароитида ўтказиладиган бирорта байрам ёки маросимни, урф одатларни, воқеаларни ўтказиб юбормай, уларни синчиклаб ўрганган ва ўз асарида ёритиб бера олган. Шунинг учун бу асарнинг япон давлатчилиқ тарихида, ўша давр халқ хаётини ўрганишда ахамияти жуда катта. Ўша замон япон халқи хаётини, сарой аҳлининг турмуш тарзини, қалб кечинмаларини бениҳоя сергаклик ила, батафсил тасвирлаб берган, муаллифнинг теран билими, ўқинишлилигини, ақл-заковатини, иқтидори ва салоҳиятини дунёга кўз қилиб келатган сермазмун асар мана шу тарика яратилди.

Аёлларнинг япон адабиётидаги характерли жихатларидан бири ўз доирасидаги кишиларни ўрта аср япон жамияти андозасига мувофиқ тарзда тасвирлашга интилишдир. Инсон образи икки унсур: рухий хислатлар ва ташқи кифа асосида яратилади.

Инсоннинг рухий ҳолати тасвирига алоҳида урғу бериш япон бадиий анъаналарининг ўзига хос жихатидир. Гўзалликка сиғиниш, гўзалликка хизмат қилиш, энг оддий нарсаларда ҳам гўзалликни кўра билиш – ана шулар япон киборлар хаёти, хатти – харакатлари ва тафаккурини бошқарар эди. Бугун япон адабиёти нозик дид, гўзал хулқ – атворга чақирар эди, айнан шу вазиятда кўплаб эстетик унсурлар иштирокидаги, кундалиқ адабиёт ривожланди. Японлар нафақат атрофни қуршаб турган табиат кўркини, балки инсон ташқи ва ички кифасидан гўзалликни кўра билиш қобилиятига эга эдилар. Аёл елкаларига ёйилган узун қора сочлар гўзаллик рамзларидан бири ҳисобланган: "... Уларнинг орқага тараб қўйилган сочларига оқ тасма тангилган эди. Ҳазрати олияларига Мия-но Найси хизмат қиларди. У доим ўзининг ажойиб хусни билан ажралиб турар, бироқ бугун, унинг оқ тасма тангилган сочлари елкаларига тушиб турганда, у янада чиройли кўринарди"¹⁷⁷ ёки "... ва мен, ҳазрати олияларининг қалин сочлари бошининг тепасига" ўйиб қўйилганда, бу уни янада латофатлироқ қилиб кўрсатади, деб ўйлайди. "Унинг сочлари ерга тегар эди". Японлар ёйилган сочларга маънавий ва ташқи гўзаллик рамзи сифатида қарайдилар. Ташқи гўзалликни яратиш қийин эмас, бироқ инсондаги ташқи гўзаллик ўқинишлилик, одоб – ахлоқ қондалари, хулқ атвор чегаралари билан белгиланган эстетик меъёрларини ўз ичига олувчи гўзаллик билан уйғунлашгандагина таҳсинга лойиқ. Ҳэйан даврида одатда шоир ёки шоира энг чиройли инсонлар сарасига киритилганлиги бежиз эмас. Табиийки бундай ташқи ва ички кифанинг мутаносиблигига асосланган гўзалликка фақат киборлар даъво қилишлари мумкин эди.

Қаҳрамоннинг муҳим ижобий фазилатларидан бири унинг ташқи жозибасидир. "Унинг либоси еттига қайтарма энгли қизил ёпинғичдан иборат эди, унинг устидан яна тўрт қалп шунга яқин ранглардаги хар бири уч ёки беш қайтарма энгли кийим, кейин яна қалин, гулдор ипак матодан беш қайтарма энгли тўқ қизил рангдаги ёпинчик бор эди, устки ёпинчик эса нофармон рангда бўлиб, барг нақши билан кашталанган эди... Бир сўз билан айтганда, у жуда латофатли, сочлари одатдагидан хам кўра дид билан турмакланган эди"¹⁷⁸.

Мурасаки Сикибу инсон кифасидаги фақат бир-икки тафсилотни таъкидлаш билан унинг жонли тимсолини яратишга муваффақ бўлди: "У жуда гўзал, лабларида ёқимли табассум ўйнайди". Кишининг қадди қомати тасвирига алоҳида ахамият берилади. Мурасаки Сикибу Дайнагон хоним хақида сўзлаб: "Дайнагон хонимнинг бўйи унча баланд эмас, жуссаси қичик деса хам бўлади; бадани оппоқ ва силлиқ, танаси дуркун. У доим жуда яхши кийинади. Сочлари бўйидан уч сунга (узунлик ўлчов бирлиги) узун ва ерга тегиб туради; у шу қадар кўркем ва ясанганки, ҳеч ким унга тенг келолмайди. Унинг юзи хам жуда чиройли; ўзини ёқимли тутати; у билан сўзлашсанг, баҳри дилинг очилади".

Япониянинг европалашув йўлига қадам қўйиш даврида японлар Европа ёзувчиларининг асарлари билан танишдилар, бу сиёсий беллетристика каби янги йўналишнинг қуртқи ёзилишига олиб келди. XIX-XX асрлар адабиётининг кўзга кўринган вакиллари деб, Мюри

¹⁷⁷ Мурасаки Сикибу. Қундалиқ. Петербург шарқшунослик маркази, 1994.

¹⁷⁸ Мурасаки Сикибу. Қундалиқ. Петербург шарқшунослик маркази, 1994.

Огай, Цубомти Сёё, Фтабатэй Симэй, Симадзаки Тосон, Нацумэ Сосэки, Кавабата Ясунари, Абэ Кобэларни тилга олиш мумкин.

XX асрга келиб япон адабиётида натурализм устуворлик қилди, муаллифлар эътиборларини одамларнинг кундалик ҳаётига, уларнинг хис-туйғу ва кечинмаларига қаратдилар. Адабиёт инсоннинг ички олами, унинг феъл-атворининг ахлокий жиҳатларини биринчи ўринга олиб чиқди. Масалан, Фулико Энти асарлари китобхонни Японияга мутлақо бошқача кўз билан қарашга ундайди. Унинг “Қалъа” асари аёл калбининг энг нозик томонларини очиб беради, китобхонларга замонавий япон аёли кнёфасини рўйрост намоён қилади.

Ҳозирги замон япон адабиёти ўз сеҳр-жодуси билан ўқувчисини хайрон қолдиради. Масалан, Банан Ёсимото, Масахир Самад асарларини олайлик. Япониянинг адабий аъёнларини сув қилиб ичган бу “хаёлпараст” ижодкорлар бир-биридан жозибадор асарлар ёмоқдалар. Албатта Европа адабиёти ҳам япон адабиётининг замонавий тенденцияларига таъсир кўрсатмоқда. Бутун дунёга таникли Харуки Мураками аъёнавий япон адабиёти кадриятларини синдириб ташлаб, замонавий япон ёшлари ҳаётдан олинган оддий воқеаларни қаламга олмақда. Ҳар бир жамият ҳаётида вақт ўтиши билан инкор этиб бўлмайдиган қонуниятларга айланувчи эстетик кадриятлар вужудга келади. Санъат, маданият, адабиётнинг назарияси эса гўзаллик қонуниятларини авлоддан ажлодга етказиш ва шу тарика инсоннинг эстетик қарашларини бойитишдан иборат.

Такзо Арисима (1878 йилда Токиода туғилган) япон адабиётида ўн иккита асар қолдирди. Ўзлардан “Аёл” романи ва “Кани сулоласи” повести япон адабиётининг дурдоналари қаторидан ўрин олди. Бу икки асар ёзувчи ижодининг чўккиси ҳисобланади. Айниқса “Аёл” романини япон танқидчилари юқори баҳолаб, уни танқидий реализмнинг улкан ютуғи деб биладилар. Такзо Арисима “Аёл” романини ёзишда Лев Толстойнинг “Тирилиш”, “Тавба”, “Анна Каренина” каби машҳур асарларидан қаттиқ таъсирланган. Қахрамонлардаги ҳиссиёт бойлиги, ички кечинмаларининг кўплиги шундан далолат бериб туради. Асар қахрамони Ёюко севимлисининг бир меҳрига минг меҳр қайтаришга тайёр. У болаликдан ўзининг шу қисмати билан бошқалардан ажралиб туради: “Ёюко ўзидан аламдан бошқа ҳеч нарса семапти. Бора-бора у қайсар, ўз билганини қиладиган, бировга ишонмайдиган бўлиб қолди. У ҳалби нимани лозим кўрса, бажараверади одат чиқарди”. Агар Курати Ёюкони деб кўпидан воз кечса, Ёюко ўз навбатида бу меҳрга жавоб тариқасида яққою ягона бўлмиш кизалогидан воз кечади. Ишқ майдони унга торлик қилса у ўз севимлиси билан бирор қаватда қўшалок ўлим топишга ҳам тайёр. Ёюко бектёс меҳру мухаббатга, ҳавойи лаззатга ўқ “У мазкур ҳиссиёт амрига бўйсунгач, бутун борлиги билан мухаббат оғушига ўзларини қотан ва аҳду паймонга бинноан қўшалок ўлимни афзал кўрган ошиқ-маъшукларга хос кўнгил кетиржамликни хис қилди”.

Шуни ачинарлики, Такзо Арисима 1923 йил, 8 июнда онаси ва синглиси билан хайрлашиб ўйдан чиқиб кетган ва бошқа қайтмаган. Ропа-роса бир ойдан кейин уни Каруидзава тоғ қизилдаги кулбадан севгилиси билан ўлган ҳолда топилган. Улар бир-бирларисиз яшай қолмаганлар ва ҳаётдан биргаликда кетишга қарор қилишган. Арисиманинг ўлими япон адабиётларининг маънавий инқирозидан далолат беради.

Япон адабиёти инсоннинг борлиқка қарши, ҳаётга муносабати, муайян дид ва интилишга қарши ҳақида ўзига хос тасаввур уйғотиши билан муҳим мавқеъга эгадир.

1 Интернет сайтларидан олинган рус тилидаги маълумотлар; Ежедневники Мураками Сикибу, Петербург центр востоковедения

2 Мураками Сикибу “Очерки Гендзи” М.: 1998

3 Наоми Суэнага “Стоиенная певичка, или райский ангел” Санкт – Петербург, “Гиперион”, 2005. 351 с.

4 Кандзи Мотодзиро “Японская литература”, 2004

5 Жаҳон адабиёти 2009 – 2012